

Сурхондарёда янги қурилган «Варроқ Термизий» масжиди фойдаланишга топширилди



09:30 / 22.08.2020 1663

Жорий йилнинг 20 август куни Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси «Варроқ Термизий» масжидини расмий рўйхатдан ўтказиб, ушбу гувоҳномани масжид ходимларига топширди. Бу ҳақда [muslim.uz](#) сайти [хабар берди](#).

Ушбу масжид вилоятдаги Термиз тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида жойлашган. Унинг номи буюк аждодимиз Варроқ Термизий ҳазратлари номига қўйилди.

Маълумот ўрнида шуни қайд этиш керакки, «Варроқ Термизий» масжидининг очилиши билан Сурхондарёдаги масжидлар сони 115 тага, Республикаиздаги масжидларнинг умумий сони эса 2072 тага етди.

Аввалроқ Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги «Хилол» масжиди рўйхатга олингани ҳақида ижтимоий тармоқларда хабар берилган эди.

Аллоҳ таоло ушбу масжидни мўмин мусулмонларга муборак қилсин.
Шундай хайрли ишлар барокатидан башарият бошига келган вабони бутун дунёдан, жумладан, жаннат макон юртимиздан кўтарсинг, bemorlarimizga комил шифо берсинг, барчамизни ҳибзу ҳимоясида сақласинг!









